# ЧИМБОЙ ТУМАНИ ТОПОНИМЛАРИ ТАРКИБИДАГИ ГИДРОНИМИК ТЕРМИНЛАР



**Генжебай АБИШОВ**
катта илмий ходим-изланувчи
Бердақ номидаги ҚҚДУ
*genjebay.abishov@mail.ru*

**Аннотация**

Топонимияда сув объектлари номларини ифодаловчи гидронимлар энг фаол атамалардан ҳисобланади. Гидронимларни ҳосил килишда арик, арна, кудук, канал, ҳовуз ва бошқа гидронимик терминлар иштирок этади. Мақолада ана шундай терминлар иштирокида ҳосил қилинган Чимбой тумани гидронимлари ўрганилган, таҳлил этилган ҳамда уларнинг қўлланиш хусусиятлари ёритиб берилган.

**Аннотация**

В топонимии плодотворно используются слова и словосочетания, называемые топонимами. Они обозначают водные объекты. В образовании гидронимов участвуют гидронимические термины типа *арык, жап, ой, қудық, ҳәўиз* и т.д. В статье изучаются гидронимы Чимбайского района, образованные при участии таких терминов. Объясняется своеобразие их применения.

**Abstract**

The hydronyms are widely used in toponymics. They express the types of water objects. The stream, canal, brooklet, hole, well, pond and other hydronymical terms take part in forming the hydronyms. The article discusses Chimbai hydrotoponyms were studied and analyzed Their peculiarities of using was touched upon from linguistic point of view.

**Калит сўзлар:** гидроним, арик, арна, канал, кудуқ, ҳовуз, кўл.

**Ключевые слова:** гидроним, арык, канал, небольшой рукав арыка, низина, колодец, озеро.

**Keywords:** hydronym, stream, canal, brooklet, hole, well, lake.

Қорақалпоғистон топонимиясининг ўзига хос умумий белгиларини аниқлаш, унинг тил хусусиятлари ҳақида муайян фикрга келиш ҳамда шу асосда республиканинг барча туманлари бўйича топонимик материалларни йиғиш ва тадқиқ этиш қорақалпоқ тилшунослиги ва умуман, тилшунословдаги долзарб масалалардан. Қадимий, тарихий ва бой топонимик материалларга эга бўлган Чимбой тумани топонимларини ва ундаги гидронимларни таҳлил этиш назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Мазкур мақолада Чимбой тумани ҳудудидаги айрим гидронимлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Чунки бу ҳудуд аҳолиси қадимдан зич жойлашган ва шунга мувофиқ суғориш ишлари билан боғлиқ турли сув объектлари атамалари пайдо бўлган. Улар ўзига хос белгилари билан номланиб, гидронимик терминларни юзага келтиради. Туман аҳолиси,асосан, деҳқончилик, чорвачилик ва балиқчилик билан шуғулланади. Гидронимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши шу ерда яшовчи аҳолининг узоқ ўтмиши, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий турмуш тарзи билан боғлиқ.

*Арна* – қорақалпоқ тилида: *үлкен тыңнан жарылған жап, суў жолы* (4, 500), қозоқ тилида: *Өзен аңғарының суў ағып жататын терең өзеги* (5, 100) маъноларини англатади.

З. Дўсимов *арна* Хоразм воҳасида “катта ариқ”, “магистрал канал” маъноларида қўлланишини айтиб, бу сўзнинг этимологияси ҳақида бир қанча олимларнинг фикрларини келтиради. Масалан, В.В. Радлов: *арна* – “дарёга айланган канал”, С.П. Толстов “манба” маъносини билдиради десалар, В.В.Бартольд *арна* сўзи қадимги хоразмийлар тилига оид деб ҳисоблайди. *Арна* сўзи Жиззах, Сирдарё вилоятларида “сой, жар” маъноларида, Хоразм вилояти, Туркманистон Республикасида “магистрал канал”, “приток”, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида “сухое русло, овраг”, Қирғизистонда “река”, Қозоғистонда “русло реки”, Ўзбекистонда “ущелье” маъноларида қўлланилади (3, 68).

А.П. Дульзон қадимги эрон тилида *ар/ир* сўзи “сув” маъносини англатишини таъкидлайди(2, 69). *Арна* гидроними қадимги эрон тилларидаги ар /сув/ сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Туркий тилларнинг этимологик луғатида *арна* – “канал, рукава реки” деб изоҳланади. Мўғул тилида эса “ирригация канали”, форс тилида “катта канал” маъноларида қўлланиши қайд этилган (11, 188).

*Арна* сўзи Чимбой тумани топонимларида *канал, жап* сўзлари билан бир қаторда шу маънода қўлланилган: *Пахтаарна, Ленинарна*.

*Булоқ* термини туркман, қирғиз тилларида *булақ*, ўзбек тилида *булоқ*, қозоқ, нўғай тилларида *булақ* тарзида ишлатилади. *Булоқ* термини юқорида таъкидланган тилларнинг географик номларида ҳам учрайди(8). Қорақалпоқ тилининг изоҳли луғатида *булақ* сўзи “тоғ ёки ер остидан чиқадиган сув ўрни” тарзида изоҳланган. Бу термин ушбу ҳудуддаги сув объектлари номлари таркибида сақланган бўлиб, улар каммаҳсулдир: *Иссиқбулоқ/ Ыссыбулақ/* каби.

*Ариқ /Арық/* – каналдан кичик, лекин *жап*дан катта сув йўли. Бу термин туркман, қирғиз, тува, бошқирд ва нўғай тилларида *арык*, қозоқ тилида *арық*, ўзбек тилида *ариқ*, уйғур тилида *йериқ*, озарбойжон тилида *арх*, турк тилида *арк*, хакас тилида *арығ,* ёқут тилида *ары* тарзида қўлланилади. *Ариқ /Арық/* атамаси туман гидронимларидан фақат икки ном таркибида учрайди: *Қамысарық, Шоқарық.*

*Жап* – қорақалпоқ тилида "жап – ичидан сув оқизиш учун қазилган арна, канал" маъносида ишлатилади(5, 176). Баъзи олимлар бу терминни форс тилидаги *об* "сув, дарё" сўзи билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар (9, 89; 120–153). *Жап* ҳажм жиҳатдан *салма*дан каттароқ. Ушбу термин туман ҳудудида *канал* термини билан синоним кўринишида қўлланилиб, ҳар иккиси битта маънони ифодалайди. Масалан, *Қамысарық жап – Қамысарық канал, Өтемурат жап – Өтемурат канал* каби. *Жап* термини Чимбой тумани гидронимларининг таркибида сермаҳсулдир: *Абатжап, Тағжап, Бегжап, Оржап, Майжап, Жармажап, Карисжап, Бесжап, Жамбасжап, Отаўжап* ва бошқалар.

*Салма* – экинларга сув чиқаришда фойдаланиладиган кичик сув йўли. *Жап*дан *салма* ажралиб туради. Л. Губаева Кубанда *сал* термини билан ясалган гидронимларнинг учрашини, шунингдек, Дон, Крим, Кавказ, Мўғулистон ва Бурятияда бу сўзнинг мавжудлигини ва "дарё ўзаги" маъносини англатишини таъкидлайди (1, 174). Л. Р. Кызласов *салба* деб номланадиган бир нечта гидронимларни келтириб ўтади(6, 107). Э.М. Мурзаев *сал* сўзи иштирокида ҳосил қилинган бир қанча атамаларни келтириб, унинг мўғул тилидаги *сал, сала* "дарё" асоси билан боғлашади (9, 50). Туркман тилида *совма* сўзи "ариқ, арна" маъносини ифодалаши ва унинг *совмак*, яъни "бурмоқ" феълидан ясалганлиги қайд этилади (10, 258). *Салма* термини тумандаги гидронимлар таркибида у қадар фаол эмас. Масалан, *Матексалма, Баймуратсалма, Баўбексалма, Есбергенсалма, Қыдырбайсалма* каби шаклларда мавжуд.

*Көл* – қорақалпоқ тилининг изоҳли луғатида бу сўзга "айналасы жасалма түрде туйықланып жатқан суўлы жер" деб изоҳ берилади. Кўпчилик туркий тилларда унинг "col, кол, кул, холл, куле, куол" каби фонетик вариантлари учрайди.

К.Х. Юдахин қирғиз тилида "гол" шакли фақат географик атамалар таркибида ва "дәрьяның аңғары, дәрья алабы" маъносини билдиради" деган фикрда(12, 383). Э.М. Мурзаев эса, "гол" сўзи мўғул тилида "дарё, булоқ, ботқоқлик ёки ботқоқли кўл" маъноларида қўлланишини айтиб ўтади (9, 13). Шунингдек, З. Дўсимов Хоразм топонимларида *кўл* – "тепа, текислик"

маъносида ишлатилишини, Хоразмдаги суғориб экиладиган кичик ерлар “кўлча” деб номланишини ва бу сўз Хоразмда гидронимлар таркибида кўп учрашини қайд этган(3, 72).

Чимбой тумани гидронимик системасида *көл* сўзи кенг тарқалган. Ушбу гидроним сув объектлари атамаларининг муайян қисмини ташкил этади. Ушбу сўз туман топонимлари таркибида оқмайдиган гидронимик объект маъносида қўлланилади. Туман ҳудудидаги *көл* термини иштирок этган бир қанча гидронимлар мавжуд: *Сапаркөл, Метркөл, Шардаракөл, Әбдамбет көл, Бекпанкөл, Дәнебайкөл, Ембергенкөл, Ержанкөл, Жуматкөл, Назаркөл, Хожаниязкөл* каби.

*Ой* – атрофидаги ерларга нисбатан паст, қуйи, қуйи ер, текис ер, чуқурлик. Бу терминнинг туркий тилларда тарқалиш ареали анча кенг. О.Т. Молчановнинг таъкидлашича, тоғли Олтойда унинг *ой, оюк, ойдым, ойым, ойбок* каби вариантлари мавжуд бўлиб, улар кўпинча гидронимик атамалар таркибида, баъзан оронимик атамаларни ҳосил қилишда иштирок этади(8). Туркий тилларнинг этимологик луғатида “ой – чуқур жой, чуқур (низина, выпадина)” маъносида ишлатилиши ҳамда кўпчилик туркий тилларда қўлланилиши қайд этилган (11, 428). З. Дўсимов эса Хоразмда ҳар қандай чуқурлик “ўй” деб юритилади, деб изоҳ беради(3, 6). Баъзи тадқиқотларда *ой* термини гидрографик термин сифатида ўрганилади. У кўпинча сув объектларининг номини ифодалаш учун қўлланилади. Қорақалпоғистонда ҳам ҳар қандай чуқурлик *ўй* деб юритилиб, у кўп ҳолларда сувсиз бўлади. Чимбой тумани топонимлари таркибида учрайдиган *ой* сўзи ҳам «чуқурлик, ўй» маъносида ишлатилиб, суви қуриб қолган жойларни англатади. Бу термин иштирокида ҳосил қилинган гидротопонимларни туман ҳудудида кўплаб учратиш мумкин: *Салыой, Қазақой, Ийшаной, Артықбайой, Әметой, Баекеой, Балташой, Палўаниязой, Палымой* ва шу кабилар.

*Қудуқ* термини туркий ва мўғул тилларида сўзлашувчи халқлар орасида кенг тарқалган. Бу термин иштирокида ҳосил бўлган топонимлар Мўғулистон, Жанубий Сибир, Қозоғистон, Ўрта Осиё, Украина ва Волга бўйи ҳудудларида кенг қўлланилади(9, 145). *Қудуқ* гидроними кўпгина туркий тилларда турлича шаклларда учрайди. Масалан, бошқирд тилида *козак*, қумиқ тилида *кую*, қозоқ тилида *қудық*, қирғиз тилида *кудук*, ўзбек тилида *қудуқ*, туркман тилида *гуйы*, олтой тилида *кутук*, тува тилида *кудук*, татар тилида *койы* каби. *Қудық* терминини Чимбой туманидаги бир қатор сув объектлари номларида, айрим гидронимлар таркибида кўришимиз мумкин: *Сапардың қудығы, Қалбайдың қудығы, Қаншайдың қудығы* ва шу

кабилар. Шунингдек, *қудуқ* сўзи географик термин вазифасидан ташқари, Чимбой туманида топонимик функцияда ҳам ишлатилади: *Қудық қазған*.

*Ҳовуз* – сувни сақлаш учун қазиладиган кичик сув омбори. *Ҳовуз*, асосан, ичимлик сувини сақлаш учун қазилиб, у тўғри тўртбурчак шаклида бўлади. Баъзан у ерларни суғориш учун ҳам қазилади. Айрим ишларда бу термин араб тилидаги havd, хауд ("ҳовуз, сув сақлагич") сўзларининг ўзгаришга учраган варианти сифатида кўрсатилади(7, 148, 149). *Ҳовуз* компонентли гидронимлар сони кам учрайди. Масалан: *Толыбайҳәўиз, Турдыбайҳәўиз, Әбенниң ҳәўизи, Кеңесбаҳәўиз* ва бошқалар.

Умуман, кузатишлар шуни кўрсатадики, Чимбой тумани ҳудудида бир қанча гидронимик терминлар учрайди. Туман ҳудудидаги топонимларни ўрганишда гидронимлар салмоқли ўринни эгаллайди. Чунки гидронимлар топонимларни ҳосил қилишда катта амалий аҳамиятга эга бирликлар ҳисобланади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Гулиева Л.Г. К вопросу о топонимической синонимии //Ономастика. – М., 1969. – 261 с.
2. Дульзон А.П. Древние топонимы южной Сибири индоевропейского происхождение // В Топонимика Востока. – М., 1964. – 228 с.
3. Дусимов З. Хоразм топонимлари. – Т.: Фан, 1985. – 104 б.
4. Қазақ тілінің түсіндірме сөздігі. I т. – Алматы: Дайк пресс, 2008. – 968 б.
5. Қарақалпақ тилиң түсиндирме сөзлиги. I т. – Нөкис, 1982. – 400 б.; II т. 1984. –386 б.
6. Кызласов Л.Р. К вопросу об этногенезе хакасов //Ученые записки Хакасского НИИЯЛИ. Вып. 7. Абакан, 1959. –150 с.
7. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. II т. – Тошкент: Университет, 2003. – 599 б.
8. Молчанова О.Т. Географический термин булах в топонимии // Ономастика Поволжья. – Саранск, 1976. – 360 с.; О гидронимических терминах Горного Алтая. – М., 1970. – 400 с.
9. Мурзаев Э.М. Словарь народных географических терминов. – М., 1984. – 145 с.; Тюркские географические названия. – М., 1996, 89 с., Центральноазиатские топонимические миниатюры // Топонимика Востока. – М.,1964.; Южносибирские топонимические элементы в Монголии //Изучение географических названий. – М., 1965,; Таджиев Д.Т. Слово «вода» в современном таджикском языке //Труды Института языкознания АН СССР. Том 1. – М., 1952. – С. 120–153.
10. Пенжиев М. Об ирригационной терминологии туркменского языка //Тюркская лексикология и лексикография. Москва, Наука.1971. –312 с.
11. Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. – М.: Наука, 1974. – 768 с.
12. Юдахин К.Х. Киргизско-русский словарь. – М., 1940. –576 с.